

Сидкий Хондайликий (тахаллуси; асл исм-шарифи Сирожиддин Махдум Мирзохидохунд ўгли) (1884 — хозмрги Бўстонлик тумани Хондайлик кишлоги — 1934) — шоир, хаттот, таржимон. Араб, форс тилларини ўрганган. Хаттотликка кизиккан, замонасининг машхур килкалами Мухаммад Шохмурод котиб (1850—1922)га шогирд тушган. Сидкий тош йўниб, унга ишлов бериш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш, мухр ясаш билан ҳам шугулланган. Айти пайтда шеър машк килган. Шоир сифатида шаклланишида Камийнинг хизмати катта бўлган. У бошлик адабий давраларда фаол иштирок этган. Илк шеърларини «Шухрат», «Шеван» (нола, фигон) тахаллуслари билан ёзган («Тухфаи Шавкат», 1913; «Савготи Шавкат», 1914 — тўпламлар). Кейинрок барча асарларини Сидкий тахаллуси билан чоп эттирган. Лирик шеърларида мумтоз адабиётимиздаги хаётий, инсоний мухаббат, одабийлик сингари яхши анъаналарни давом эттирган. Поэтик меросининг салмокли кисмини хажвиёт ва ижтимоий шеърлар ташкил килади. Ижтимоий-сиёсий шеърлари эса даврнинг мухим воқеаларига багишланган («Мухораба», «Яшасун ёшлар», «Тоза хуррият» ва б.). Мардикорлик воқеалари хақида асарлар ёзган [«Рабо(т)чилар намойиши». «Рабо(т)чилар келиши», 1917]. Сидкийнинг «Русия инкилоби» достони (1917, март) Русия инкилоби воқеаларини кенг эпик планда тасвир этувчи дастлабки асар. Достоннинг хажми 1502 мисра. Шундан 72 мисраси форс-тожик тилида, колгани ўзбекчада ёзилган. Воқеалар 23 фев. — инкилобнинг биринчи куни тасвиридан бошланади, сўнг кунмакун берилади. Сидкий Февраль инкилобини кучок очиб карши олсада, унинг натижаларидан каноатланмаган. Достон инкилобдан кейинги шароитни жиддий ва атрофлича тахлил этиш, барчани бирликка, ҳамжихатликка чорлаш билан яқун топган. Бу гоё «Умиди иттифок» (1918) таржиъбандида давом этади. Сидкий «Тазкираи имоми Аъзам», «Сад иршоди мулла Сидкий Хондайликий» («Мулла Сидкий Хондайликийнинг юз насихати»), «Мезони шариат» (1915, 1917, 1992), «Зарбулмасали Сидкий», «Холоти Сидкий» каби насрий асарлар ҳам ёзган. Уларнинг кўпчилиги динийахлокий мавзуда. «Хикояи латифа», «Бахром ва маликаи Гуландом», «Ажойиб улмахлукот», «Ўгри ва кози», «Бўстон» (Саъдий) каби асарларни таржима килган. Сидкий кўчирган девон, баёз ва рисоалар, ясаган мухрлари нусхалари, тошлавхалар ҳамда чизган Тўйчи Хофиз ва Тавалло суратлари хусусий ва давлат кутубхоналарида, шунингдек, 20 дан ортик босма ва кўлёзма асарлари Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институтида сақланади.

Бегали Косимов.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Охким, кўз тўқди кон эски хукумат дастидин,
Бўлди танлар нотавон эски хукумат дастидин.

Молимизни, жонимизни зулм ила босиб олиб,
Бўлди эл мухтожи нон эски хукумат дастидин.

Беваю бечоралар очу ялангоч йиглашур,
Бас, бузулди хонумон эски хукумат дастидин.

Эйтиёт этмас эсанг пул деб чўнтакка кўл урар,
Тўзди, йиртилди чопон эски хукумат дастидин.

Бир белат олмокка беш сўм баски, мендин олдилар
Айламайму юз фигон эски хукумат дастидин.

Зулм ўти бирла жигарлар куйдию бўлди кабоб,
Чунки ўртанди жaxon эски хукумат дастидин.

Гар бозорга бир нимарса тушса олди зўр ила,
Кўрди кўп одам зиён эски хукумат дастидин.

Хоину золим, карокчи кисабурлар эрдилар,
Улдилар кўп корвон эски хукумат дастидин.

Мехру шафкат битди, йўк бўлди элнинг кўнглидан
Ким, топилмас парча нон эски хукумат дастидин.

Тўкчилик кетди, келиб ўрнига бу кимматчилик,
Бу каби бўлди замон эски хукумат дастидин.

Шод эмас ёшу кари, хеч ер аро бу жазм эрур,
Ким, бўлибтур нотавон эски хукумат дастидин.

Мардикор олмок хусусида кирилдук кўп киши,
Бўлди бас ўкга нишон эски хукумат дастидин.

Солди киргизларни бошига, билурсиз катли ом,
Окти сув ўрнига кон эски хукумат дастидин.

Сотдигу бердик хама уйда йўку бор нарсани,
Колмади синган козон эски хукумат дастидин.

Шукрким, янги хукумат, Сидкиё, шод айлади,
Йўкса, чикгай эрди жон эски хукумат дастидин.

* * *

Фалакдин на етгай фарогат менга,
Берур рохат ўрнига мехнат менга.

Шарофатдадурлар разолат эли,
Даригоки, йўктур шафоат менга.

Фурумоялар бўлсалар аржуманд,
Кўруб они етмасму хасрат менга.

Вафо кўрмадим дўстлардин даме,
На бўлди алардин хамият менга.

Бошимга бало бўлди фазлим мени
Ки, йўк заррача кадру киммат менга.

Даме кўрмадим шодликнинг юзин,
Магар рўзи эрканму риккат менга.

Чу ойина йўктур сафойи дилим
Ки, билмам нечукдур бу иллат менга.

Суханварлик иклимида сўрсангиз —
Эрур Сидкий бир янги шухрат менга.

* * *

Ул шакарлаб айласа ноз ила ширин наво,
Тўтийи табъим тузар ул вақт аро кандин наво.

Беасар ёлгон фигоним кайда етгай ул сори,
Сўзи дилдин чекмас эрсам, йиглабон гар чин наво.

Тинмагур кўнглим тиниб бир лахза ором олмагай,
То анинг кўйига бориб чекмаса чиндин наво.

Уйлаким чанг айлабон каддим дуто, гар айласам,
Шоми гамда ўлтуруб бўлгай (нетай) ойин наво.

Йиглашур ахволима раҳм айлашуб вахшу. туюр,
Дашти хажр ичра чу килсам инграниб гар мен наво.

Кайда Сидкий еткосен гулгун каболар васлига,
Чекмас эрсанг сидк ила хар лахза сад рангин наво.

* * *

Ёраб, на янглиг эрди бу бахти каро менга,
Ким бўлди ошно бори ношно менга.

Гам гулшанида гунча киби ^хуни дил насиб —
Бўлди-ю, найлай, ўлмаса ўзга гизо менга.

Бўлгай гам ила мехнату кулфатни жавхари,
Хар ерда бўлса хар неча нашъу намо менга.

Аклсиздин ўлдиму хошоки, сад дариг,
Ушбу замонда бўлди хунар бир бало менга.

Хар кайда кадри киймати йўк бўлса фазл элин,
Бозори дахр ичида на бўлгай бахо менга.

Гам кишварининг ўлдум ажаб додпешаси,
Хайлу хашам нечунким эрур оху во менга.

Сидкий, ёшимнинг сели билан чарх айладим,
Бош узра бўлди шому сахар осиё менга.

* * *

Васл умидин ул пари катъ эткоч истигно килиб,
Оксадим хажри тунида гам тошига кокилиб.

Бекасу бехамдаму, беёрлигдин, дўстлар,
Йигламайму холима, кўз ёшими дарё килиб.

Юзлабон бебоклик бозорига Мажнун киби,
Олдим ул Лайливашим савдосини савдо килиб,

Нотавон кўнглум сари кўйидин онинг хар куни,
Тинмади то ўтмагунча юз туман гавго килиб.

Бокмайин кетди ўтуб, мен накши пойидек анинг,
Йўлида колдим мазаллат хокида маъво килиб.

Сидкиё, сен ул сабодин айла ирсоли салом
То десун холингни анга субх аро ихфо килиб.

* * *

Мазхари файзи жовидон когоз,
Маъдани маънии нихон когоз.

Ёки маъно арусига бўлмиш
Жумлаосо на хуш макон когоз.

Нома ёзмок чогимда ёр сори,
Кўз ёшим бирла бўлди кон когоз

Шахбоз табиатимга не тонг
Бўлса андоки, ошиён когоз.

Йиглагай хома шархи хол учун,
Олсам илкимга хар қачон когоз.

Менга ноахл элидин, албатта,
Яхши, зероки безиён когоз.

Мену ёр ўртамизда, эй Сидкий,
Безабт, турфа таржимон когоз.

* * *

Килди яксар хотирим гамгин, дилим кон эҳтиёж,
Тушмасун ҳеч кимга ёраб, менга тушгон эҳтиёж,

Танглигда хаста кўнглум гунча янглиг айлабон,
Хар сорига охири этти паришон эҳтиёж.

Бўлса гар, донои даҳру фозили аср ул киши,
Бахт ёвар бўлмаса килгуси хўбон эҳтиёж.

Лашкари гамдин ўзимни эмди кандог куткарай
Ким, мени илкида онлар кўйди гирён эҳтиёж.

Нега тузмай навхалар хар дам чекиб, юз оҳким,
Эл аро килди мени бебаргу сомон эҳтиёж.

Кулбаи йўқлукда эрдум хамчу анко, дўстлар,
Охирида айлади машхури даврон эҳтиёж.

Айла Шавкат сабр этиб хар дамда юз минг шукрлар
Ким, эрур бошингга тушгон лутфи яздон эҳтиёж.

МУРАББАЪ

Катъи назар килдинг, жоно, на бўлди,
Келур эрдинг сўраб гоҳо, на бўлди.
Махзунингга бокмай асло, на бўлди,
Бир демадинг холинг манго, на бўлди.

Гул юзингсиз ишим доим фиғонлар,
Лаълинг хаёлида дил бўлди конлар,
Дилда колди кўрмай юзинг армонлар,
Хосил килсанг бир муддао, на бўлди.

Эй латофат гулзорининг гулнори,
В-эй, махликоларнинг кўзи хуммори,
Хеч сўрмадинг ахволимни бир бори,
Эй султони мулки вафо, на бўлди.

Бир кулиб бокишда девона килдинг,
Юзингга наргисдек хайрона килдинг,
Охирда мени сен бегона килдинг,
Шундогмуди ахду вафо, на бўлди.

Ошуфтахол ўлдум кўрмай жамолинг,
Хаёлимдин нари кетмас хаёлинг,
Асло эшитмадим ширин маколинг,
Ёндошмадинг килиб парво, на бўлди.

Чексам ногах кўкка етар фигоним,
Хажринг тортиб колди рамакда жоним,
Айтай десам сенго сирри нигохим,
Дуч келмадинг менга танхо, на бўлди.

Эй Шавкатнинг кўзин оку кароси,
Бедаво дардининг сенсан давоси,
Аё нозик адоларнинг сароси,
Беморингга боксанг киё, на бўлди.

* * *

Каро зулфинг тўлун ойдек юзингга хола то бўлди,
Мени ул дамда ёрук рўзгорим хам каро бўлди.

Парисан ё малаксан, йўкса мислинг йўк башар ичра,
Нечунким кўрган эл хулкигни сенга мубтало бўлди.

Килур эрди чаманда сарв нозикликни даъвосин,
Кадинг кўргач хиёбон ичра хижлатдин дуто бўлди.

Менинг катлима, жоно, ёдин ўк чекмак эмас хожат,
Нечун мужгондин ўк отмокка кошнинг турфа ё бўлди.

Курук жисмим менинг рашк ўтига ёнмасму хар дамким,
Сенингдек махвашим агёр ила айши бажо бўлди.

Харими курбингга мендек гадони етмаги мушкил
Ки, султонлар сенинг олдингда бир камтар гадо бўлди,

Ниёз ахли каторида сенга, эй шўхлар шохи,

Агар бирла мени хам кору борим илтижо бўлди.

Сипехрининг саодат ахтари тобандасидурсан,
Шараф буржи анинг-чун сенга турмокликга жо бўлди.

Сенинг Шавкатдин ўзга йўк эрур васлинг харидори
Ким, анга хусн бозорида накди жон бахо бўлди.

* * *

Нукта эрмас хатдаги, кўздин тўкулган ёш эрур.
Билгуси бу сўзни улким гар менга сирдош эрур.

Эмди ёру ёварим хажрига токат килгали,
Ўзгалардек кўнглум ичра кайда бир бардош эрур.

Жумла ахбобим билан тушгач диёримдин йирок,
Захр эрур ичганларим, зохирда аммо ош эрур.

Молу жохи дахр менга дўстларсиз, дўстлар,
Химматим олдида гўё донаи хашхош эрур.

Андижонда турголи зарра карорим колмади
Ким, мени хар лахза ёдимда диёри Шош эрур.

Кечалар кўкдин тўкулгон он кадар кавкаб эмас,
Гурбат ичра бошима ёкган балолиг тош эрур.

Тошкендда меҳр юзликларни кадрин билмайин,
Андижонда кори Шавкат хажр ила мушлош эрур.

* * *

Абнои вақт сўзлари бағримни килди кон,
Онларни жаври илкидин айлай кима фигон?

Юрсанг, юрур дегайлар, алар шиквалар килиб,
Ўлтурсанг ўлтурур, дейишур таъна айлабон.

Мажлисда сўз самандига махмиз бермасанг,
Кўйгайлар «Индамас» лакабингни ўшал замон.

Важхи маъоша жаҳд ила урсанг агар кўлунг,
Дерлар хасад юзи-ла, «Керакмасму сенга жон?»

Гар соврулуб алар киби йўк бўлса бир ишинг,

Нисбат берурлар анда хамокатка, эй жавон.

Кош эрди келса ўзларини илкидин бир иш,
То анда арзигай эди деса нечук ёмон.

Шарманда шахар эгосию гулшанда зоглар,
Булбул канора олди ўзин очмайин забон.

Хеч важ ила агар кўлидин йўк кутулгулук,
Ераб, магар алардин ўзинг бермасанг амон.

Шавкат сўзингни бас килу коч хак панохига,
Не суд алар сўзядину на сенга бир зиён.

* * *

То фазлу хунар ойинапардоз бўлмади,
Икбол эшиги кимса юзига очулмади.

Бўлса кишини бахти каро гирядин на суд,
Зероки, кора ок бўлур деб ювулмади.

Сўзлар чогингда сўзга хамоно бўл эхтиёт,
Отилган ўкни ёнгони харгиз кўрулмади.

Хар кимни гар кўрур эсанг айго тавозе эт,
Кўз устида жой олмади то куш эгулмади.

Максудни сохилига киши кўймади аёғ,
Адхам сифат алоикидин то узулмади.

Шавкат хамиша маърифат ахлин дуосин ол,
Кўринг гурухлариким анинг сезишулмади.

* * *

Вакти иш етди, дило, эмди қачон уйғонасан?
Ётибон гафлат аро, эмди қачон уйғонасан?

Кетди гафлат, етди хуррият замони огах ўл,
Ётасанму уйкуда эмди, қачон уйғонасан?

Зулмати жахл этди кўнглингни, дориго.билмадинг,
Тошкўмурдин хам каро, эмди қачон уйғонасан?

Бодаи ишрат билан бадмасттурсен, охким,

Аклу хушунг йўк бажо, эмди қачон уйғонасан?

Одам ўлдинг сен, бале, илму фунун ўрганмайин,
Янчилик жакл остидо, эмди қачон уйғонасан?

Эмди тур, тезрок югур, илму маорифга кўл ур,
Ўтма парку кўрпадо, эмди қачон уйғонасан?

Жакл бир ўтдурки, теккан кимса куймай колмагай,
Ўтди бул ўт ёнингдо, эмди қачон уйғонасан?

Хушу дониш доманин тутким, хама уйғондилар,
Килдилар хожат раво, эмди қачон уйғонасан?

Тур, тириш, илм иста, ўтма, ўзгалардек тобакай
Кўл очиб, айлаб дуо, эмди қачон уйғонасан?

Бесаноат, бехунар, бекасблик бирлан ўзинг,
Шухрат ўтдинг Сидкий, эмди қачон уйғонасан?

* * *

Фалакнинг жавридин синган ўшал болу парим келди,
Вужудим боги нахли, равшани чашми тарим келди.

Туганмас шукрни кайси забон бирлан адо айлай,
Карам дарёси жўш урди, дурахшон гавхарим келди.

Фирокида дамодам, эй кўзум, конлар тўкар эрдинг,
Бас эмди кон ёшингни тўкмагил кўп дилбарим келди.

Мусофирлигда ранги кахрабо янглуг сариг бўлган,
Кизил гулдек юзи сўлган менинг богу барим келди.

Гарибликда жафо чеккан, ситам тортган, алам кўрган,
Кади гамдин дуто бўлган, машаккатпарварим келди,

Гариблик юртида хайрону сарсон ўлмасун ҳеч ким,
Гарибу нотавон ўлган ситамкаш рахбарим келди.

Гариблик юртида очин-тўкин ишлаб совукларда,
Кади хамлик, кўзи намлик, юзи чун заъфарим келди,

Замона гардишидин кўп жафолар чекмаган ким бор,
(Шукрлиллах) кўзимни нури янглиг сарварим келди.

Жафо бирла эзилган дил шифо топди бу кун Сидкий
Ки, ул хозик табиби гамзудо нек ахтарим келди.
1917

МУХАММАСЛАР

ДАР ХАЖВИ ТОЙ АЗ ШАВКАТ ИСКАНДАРИЙ

Урганда кимирлар минг бир тозиёна тойим,
Хар бир кадамда кишнаб килгай тарона тойим,
Тавлаб тепиб дамодам айлар бахона тойим,
Юрмай кетига, бокар ул охтахона тойим,
Иклимида чаманлик, сўрсанг, ягона тойим.

Иккига кирган эрди гар сўрсанг они ёши,
Кор этмагайди камчин аъзоси ёки тоши,
Хақдин умид килдим кесилмагайму боши,
Гар ўлса бўлгай эрди гўшти улуснинг оши,
Йиглар эдим бошида айтиб фасона, тойим.

Боглаб борурга белни бозорига Сикандар,
Мингашган эрдук анга икки киши баробар,
Жон хавфидин йикилмок хар дам баданда титрар,
Судралгай эрди пойим ернинг юзида аксар
Ки, юрмайн бўлурди гохи равона, тойим.

Ул баччагарнинг эрди ранги совук, ўзи ок,
Йўк эрди тора ёли, куйруги доги чўлток,
Хуркар эди кўрунса йўл узра тўда янток,
Андокки тог кўрунгай кўзига оз боткок,
Килган ишини сўрсанг сигмас баёна, тойим.

Кийнаб йўл узра асло жонимни кўймади, хеч,
Бир ерга етказолмай ул кунни айлади кеч,
Кўнгулга бул сабабдин хар дамда тушди юз деч,
Улдургуси гам ила чиксанг бу бахри тафреч,
Гусса билан аламдин бўлган нишона, тойим.

Икки кўлум якода, деб тавба йўлда хар дам,
Икки кўзум тўкуб ёш холима тутти мотам,
Хуррам кўнгулни мулкин якбора коплади гам,
Охирда кетди ташлаб, ким бўлса бизга хамдам,
Умрингда тўймагайсан асло самона, тойим.

На торткуси ароба, на кўш ила жувозинг,

На бўлгуси бир ишда бу сенга чорасозинг,
На йўлда ўзга отдек бўлгуси дилнавозинг,
Мингил ишонмас эрсанг бир имтихона, тойим.

Эй вой, килди диккат, йўлларда бенихоят,
Юзланди хар кадамда менга хазор хасрат,
Юз шукр уйга келдим охир дами саломат,
Гар бўлса ушбу хил от, албатта, минма Шавкат,
Минбаъд тавба килдим минмокка ёна, тойим.

МУХАММАСИ ШАВКАТ ИСКАНДАРИИ БАР ГАЗАЛИ ХИСЛАТ

Хар дамда минг балога бўлган дучор кафшим,
Юз жойидан ямалган чоруквор кафшим,
Киймокка тавба килдим эмди ду бор кафшим
Эрди оёкларимга кўп тангу тор кафшим,
Сиктию килди охир юрмокка зор кафшим.

Эскиб охир узулди чармини тору пуди,
Эмди етар зиёни бўлгуси кайда суди.
Кўзумга яхшироқдур кўрунмаса вужуди,
Устодин олганимда эрди ажаб намуди,
Босмокка айлар эрдим тупрокка ор кафшим.

Кафшимдин эрди бўлсам хар ерда килу колим,
Катик босарга ерга келгай эди вуболим,
Бокиб юзига хар дам хушнуд ўлурди холим,
Йўл узра юрганимда илкимда рўймолим,
Артар эрдим дамодам бўлса губор кафшим.

Чармиси эрди каттик сарпанчаси мулойим,
Яъни эди аввалда киймокка бопу койим.
Топкай эди халоват кийган чогида пойим.
Янги эканлигида иззатда эрди дойим,
Эскибди, кетди кадри, кўп бўлди хор кафшим.

Ёкканда бўлгай эрди ёмгур сувига жик-жик,
Ташлар эди ўзини кўрунса кайда балчик,
Хар дам ушбу сабабдин кўнглум бўлур эди дик,
Дастлаклари босилди, бир ёнга бўлди кийшик,
Катта-кичик бу холда кўрса кулор кафшим.

Кафшимни кўрса хар ким харгиз сўрашмас эрди,
Хар дўстлар тагофил айлаб карашмас эрди,
Бир ўзга кафшлардек иззат талашмас эрди,
Кўп кафш ичида колса асло адашмас эрди,

Киймай агарчи кўйсам минг йил турор кафшим.

Касди билан тамошо бўлган чогида ер лой,
Кўймай оёгин асло кийгай эдим йилу ой,
Кўп кадрдон эдилар менга бу икки фаттой,
Фаттойи ўгрисидин ешган еримда кўркмой,
Тушганда такяларга танхо ётор кафшим.

Эй вой таънангизнинг ўлдум аччик сўзидин,
Хар ерда токи кўрдум кочтим анинг кўзидин,
Тунда уёлур эрдим гардунни юлдузидин,
Масхимни гулчинини то илгари ўзидин,
Хам килди тилка-тилка бу нобакор кафшим.

Йўклукни йўк иложи дардига менда Шавкат,
Ушбу сабабдин ортар хардамда юз маломат,
Бул кунда турфа бўлдум бекадру кетди киймат,
Кийсам агар бирор ой мен они боз Хислат,
Эл ичра килгай эрди мажнуншиор кафшим.

ИКТИСОБ

(Достондан парча)

«ТАМАЪ ЙУЛБАРСНИ ЧИБИН КИЛУР»

Дехкон ўгли сог ўл, мудом яша,
Шодлик бирла субху шом яша.
Яшасанг барча эл топар рохат,
Иzzат авжида неку ном яша.
Остонагда бахт ёстансун,
Толеъинг бирла бўл тамом яша.
Неча давр ўткариб жахон ичра,
Золи Рустамча хушхиром яша.
Ой ила кун каби бўлиб порлок,
Хизмат эт элга, вассалом яша...

Мехнат айлаб жахонни кил обод,
Битти куллик, хама бўлуб озод.
Никалай даврида эдук чун кул,
Охимиз ани айлади барбод.
Тушти турли бало халойикга,
Гох-гохи ул балони хам кил ёд.
Етти йил бўлди юртимизда кахат,
Шод кўнгуллар ўлди, йиллар ношод,
Эй кўзим нури, мехнат этган чог,

Чарчабон, хорибон дема хеч дод.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Мехнат айланг хамиша, эй ўрток,
Кетмон ушлаб, кобортуринг бармок.
Хор килгай кишини ялковлик,
Ярашмас уйда ялпайиб ётмок.
Ош еганларни лукмасига караб
Тиш кирини сўруб, томок кокмок.
Яхшидур бу каби фано ишдан,
Мард ўлуб тогу чўлда кўй бокмок.
Бойга бўйин эгиб ема казисин,
Кора нон есанг ишлаб, ул хушрок.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Эртадан кечгача ишласанг бир нон,
Бойни миннатларидан ул осон.
Безакотларга кад эгиб токи
Бўлосан, эй факир, мисли камон.
Хар иш этмокка бўл чакин янглиг,
Судралиб юрмагин гангиб, эй нодон.
Бир масал бор: «Кимирлаган кир ошар»,
Уйкудан тур, бўл эмди йўлга равон.
Ушла максад этогини махкам.
Ишчиларни сафида кил жавлон.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, бўлма хомтамаъ.

Судралиб юрма, ўлмагил бекор,
Оре, «Бекордин худо хам безор».
Иш килиб, нон топиб есанг яхши,
Хох йўлга сув сепу, киш кура кор.
Келса кўлдан рахм кил ожизга,
Бўлсун ул хох дўст, хох агёр.
Негаким бандасан баногохи,
Сенда хам улча ожиз ўлмок бор.
Сотма нонга бахоли номусинг,
Бўлма дангаса-ю, ема мурдор.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Ишламай юрсанг ўласан банги,
Кўкнори, карокчи, найранги.
Кир босиб, бит босиб либосингни,

Хор ўлурсан, кетар юзинг ранги.
Эрта-кеч елканг узра йиртик тўн,
Бўладурсан гадони хамранги.
Пора нонга сотилдинг, эй бежон,
Йўк экан сенда одамий нанги.
Уйгон энди, қачонгача ётасан,
Ишла, кетсун юзинг кора чанги.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Сидкиё, муждаи бахор келур,
Гўйиё бўйи лолазор келур.
Мен киби меҳнат ахлининг ийди —
Бўлгусидур, бахору ёр келур.
Хар тараф сабза, тифл ўйнашибон,
Тог багрида найсувор келур.
Ишлагил жону тан билан тиришиб,
Демагилким яна бахор келур.
Мени кошимдадур харом тамаъ,-
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Барча эл қахрамони меҳнаткаш,
Балки, онларни жони меҳнаткаш.
Мени олдимда шохдин яхши,
Бўлса ҳам эл ёмони, меҳнаткаш.
Арслондек ўз устига олгай
Барча жавру жафони меҳнаткаш.
Бева-бечораларга килса мадад,
Сен дегайсан чин они меҳнаткаш.
Уялиб ташласин гадолигни,
Айла, ёраб, гадони меҳнаткаш.
Мени олдимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Меҳнат этмас эсанг бўлурсан танг,
Айларсан бола-чаканг била жанг.
Анча ташвиш аро колиб бошинг,
Бўласан иш килолмай анда гаранг.
Таъбинг ойинаси губорлашиб,
Хира бўлгуси олиб, яъни занг.
Мисли тог бошингга тушуб ташвиш,
Ожиз ўлгунг эсанг, агарчи паланг,
Ишла арслон каби бўлиб, хайкириб,
Ишламас эсанг ушбу каттиг нанг.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Яхши бўлди замона, эй Сидкий,
Тўйдимиз барча нона, эй Сидкий.
Ул каби ходиса улус бошига,
Келмасун ёна-ёна, эй Сидкий.
Канча ёзгон билан туганмайдур,
Яъни, сигмас баёна, эй Сидкий.
Мени кошимдадур харом тамаъ,
Элднн умид уз, ўлма хонтамаъ.
1917—24